

СОНЕТЛАР ТИЗИМИДАН ИБОРАТ ДОСТОН ТАЖРИБАСИ

О.Х.Файзуллаева, Х.Тожиев

Гулистон давлат университети

E-mail: fayzullayeva2016@yandex.ru

Сонет-достон яратишдек мураккаб тажрибага кўл урилишининг ўзи бадий адабиёт соҳасига ўзига хос ютуқ саналади. Шундай шаклдаги асар яратилишига илк маротаба кўл урган ижодкор Б.Бойқобилов бўлиб, бу шаклда лиро-эпик асар яратиш ниҳоятда мураккаб ҳолат эканлигига қарамай, ушбу ишнинг уддасидан чиқа олганлигининг ўзи муҳим жиҳат. Ушбу анъана сонет туркумлари сифатидагина давом эттирилганлиги сонет-достон спецификасидаги камчиликларнинг кечиримли эканлигини асослайди. Сонет-достон поэтикасидаги образлилик ва бадийлик жиҳатларидаги ўзига хослик ўзбек адабиётида ушбу жанр мавжуд эканлигидан далолат беради. Яъни, сонетлар тизимидан иборат достон тажрибаси муваффақиятли амалга оширилганлигини ўрганиш мавзунинг долзарблигини асослайди.

Мақолада сонетда поэтик тасвир ва талқин имкониятларидан фойдаланиш ҳамда сонет-достон яратиш тажрибаси масалалари ёритилиши мақсад қилиб олинган ва ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- Ўзбек шериятида Б.Бойқобилов яратган сонет-достон ўзига хос новаторлик намунаси ҳисобланишига эътибор қаратиш;
- Б.Бойқобиловнинг “Самарқанд ушшоғи” ва “Мен кашф этган Ўзбекистон” достонлари сонет-достон яратиш тажрибалари эканлиги;
- ушбу достонларнинг бадий салмоғи ҳақида фикр юритиш;
- сонет-достонлардаги лирик характерлар, ривоявийлик ва эпиклик каби достонлар учун зарур бўлган хусусиятлар шакллантирилганлиги каби масалаларни ўрганиш назарда тутилган.

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланилган методлар

Асосан, объект сифатида Б.Бойқобиловнинг “Самарқанд ушшоғи” ва “Мен кашф этган Ўзбекистон” достонлари ва қатор назарий манбалардан фойдаланилди. Тадқиқотда асосан матн таҳлили ва кийсий-типологик методдан фойдаланилди. Ушбу мақола миллий насримиз тадқиқи юзасидан қилинган фундаментал тадқиқотлардан бирини ўрганганлиги билан ахамиятлидир. Мақола миллий адабиётимизнинг поэзия (назм) соҳаси тадқиқига бағишланган рефератлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва шоир ижодиёти билан боғлиқ маълумотлар учун асос вазифасини ўташи мумкин.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Б.Бойқобиловнинг “Самарқанд ушшоғи” ва “Мен кашф этган Ўзбекистон” номли достонларида ҳиссий ҳолат тасвири учун хизмат қиладиган сонетдек мустақил жанр намуналаридан достон яратиш тажрибаси кузатилади. Ҳар икки достон бошдан охир ифтихор туйғуси билан йўғрилган. “Ифтихор бу тизмаларда ҳар бир сўз, ҳар бир қатор, ҳар бир фикр ва ҳар бир тасвирда, тавсифларда бош мавкени эгаллаб туради. Сўзлар ҳаммаси, образлар ҳаммаси ифтихордан тугилган” (Ғафуров, 1982). Лирик асосланган ушбу сонет-достонлар ҳажмига кўра анча салмоқли бўлса-да, бадий-эстетик хусусиятига кўра юқори савияда деб бўлмайди. Аслида достон (лирик поэма) ўзининг жанрий хусусиятларига кўра шеърый ривоявий асар бўлиши керак. “Поэманинг ўзига хос хусусияти баён қилинаётган эпик воқеани лирик қаҳрамон муносабати орқали ифодалашдан иборатдир” (Ҳотамов, Саримсоқов, 1979). Демак, достон ривоявийлик хусусияти лирик қаҳрамон нуқтаи назари орқали акс эттирилиши керак экан. Шунингдек, унда “характер бир эмас, бир неча босқичдан ўтиб, кўз ўнгимизда шаклланиб ўсади ва маълум бир тугаллик касб этади ёки тугал бир характер воқеалар оқимида янги-янги қирралари билан очила бориб, шу йўсинда тўлиқ намоён бўлади” (Жамоа, 1979). Юқоридаги назарий қарашга кўра, лирик достонда эпиклик ва характер ҳолати зарурияти сезилади. Лекин ўзи тугаллик хусусиятига эга бўлган сонетда, бошқача қилиб айтганда, алоҳида бир лирик жанрдан яна бир лирик жанр ясалиши учун юқоридаги хусусиятларни сонетлар тизмасида бера олиш керак.

“Самарқанд ушшоғи” ва “Мен кашф этган Ўзбекистон”да лирик характер вазифасининг ҳам, ривоявийлик ёки эпиклик хусусиятининг ҳам ўзига хос талқинини кузатиш мумкин. Хусусан, “Самарқанд ушшоғи” достонида ушбу жанр учун хос бўлган композиция унсурларидан мукаддима ва

хотима мавжуд бўлиб, албатта, улар лирик қаҳрамон ёки ўзи ҳақида маълумот беради. Унинг сокин бир маконда ёри билан бахтли яшаётгани ва шу сабабли ҳам “висол куйини” айтишга ҳақли эканлиги ҳақида илк сонетнинг қулфида сўзланади.

Шул сабабдан хижронсиз юрак.

Висол куйин айтмоғи керак (Бойқобилов, 1999. 319).

Эпиклик хусусида сўз борар экан, албатта, сюжетнинг мавжудлик ҳолатига ҳам эътибор қаратиш зарур. Достонда сюжетнинг қўшимча унсурларидан муқаддима борлиги маълум бўлди. Экспозиция достоннинг кейинги сонетида кўзга ташланади. Яъни, ошиқ образини асарга киритиш учун Сиёб дарёси тасвири ва у ерда бир юракнинг турли хисларга берилган ҳолда ҳаёл сураётгани бадий тасвирланган. Кейинги сонет-достонга иккинчи қаҳрамон – маъшукани олиб киради. Демак, достонда экспозиция пейзаж ва қаҳрамонлар руҳиятининг уйкаш тасвири орқали берилган. Кейинги унсур – тугун достонда навбатдаги икки сонетдан жой олган. Бирида қизнинг пинҳона муҳаббати, ушбу севгини изҳор этишнинг иложсизлиги ҳақида сўз боради.

Юракдаги дардини нукул,

Дуторига изҳор этмиш ул (321).

Кейинги сонетдан эса бир йигитнинг ўртанаётган юрак тугёни тавсифи берилади.

Бог кўчада киз чертса дугор,

Нечун бунда чекасан фигон?

Куй-ла ишқин у этса изҳор,

Нечун тушмиш қалбингга тугён? (322).

Навбатдаги сонетлар “воқеалар ривожини” вазифасини ўтайди. Яъни кейинги сонетларда йигит ва қизнинг (Баҳор ва Бахтиёр) ўзига хос пинҳоний севгисининг ошқор бўлиш жараёни ва ушбу жараёндаги воқелик акс эттирилган. Бунда йигит бир йиғинда ўзининг Она диёр, ўз муҳаббати ҳақидаги шеърларини ўқиб беради. Шунда қиз унга гул тақдим этади. Мана шу ўрин кульминация бўлади. Кўзлар тўқнашуви ва кейинчалик дилдан қурилган суҳбат икки ёшни висолга яқинлаштиради. Баҳор фаслида бошланган севги куз фаслига келиб ларзонлашади, қиёмига етади, бу эса сюжет ечимидир.

Икки ёшнинг муҳаббати ҳам

Камол топди шу фасл янглиғ.

Ошиқларни кўрган ҳар одам,

Васл уйидан тингларди қўшиқ (349).

Достоннинг “Хотима” қисми сюжет линиясидаги қўшимча иккинчи унсур бўлиб, бу ҳам ушбу сонетлар тизимидаги эпиклиكنинг яна бир белгисидир. Демак, достонда икки қаҳрамон ошиқ ва маъшука образлари яратилган ва уларнинг покиза туйғулари, тасвири сюжетда муҳим коллизияга асосланган кечинмалар орқали акс эттирилади. Бу ўринда сонетлар достоннинг ўзига хос қисмлари ёки унсурлари вазифасини ўтаган. “Насрий эпик асарларга қараганда поэмада сюжет ихчам бўлиб, аниқ ва нисбатан драматик ҳолатларга, эмоционал моментларга бойдир” (Ҳотамов, Саримсоқов, 1979). Юқоридаги сонет-достонда ҳам сюжетлиликтан кўра ҳиссиёт юқори даражада.

Б.Бойқобиловнинг навбатдаги “Мен кашф этган Ўзбекистон” достони юз сонетдан таркиб топган. Унда тасвир объекти сифатида ўзбек миллати характери танланган бўлиб, унинг тараккиёт тадрижи достонда босқичма-босқич кўрсатиб берилади. Халқнинг, миллатнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва эришган ютуқларининг асосийлари кўрсатилганидан достондаги сонетлар ҳажми юзтага етган. Достонда маддоҳлик оҳанги сезилса-да, ижодкорнинг машаққатли меҳнатини эътироф этиш жоиз.

Достон, олдингисидан фарқли ўлароқ, қўшимча сюжет унсурларисиз ёзилган. Унинг бошланишида мақсад дебочаси муқаддима вазифасини ўтаган. Сўнг илк сюжет унсури экспозиция:

Тонгдай порлоқ умид билан

Она бешик тебратар, (354)

мисралари билан бошланган сонетда берилган. Миллат ҳаёти тугилиши билан бошланиши табиий ҳол бўлганлиги учун ҳам бу бошланма ҳисобланади. Тўртинчи сонетда тугун берилади. Яъни:

Бу ҳаётнинг қошонасини

Халқимизга ким этган инъом,

Олтин айлаб остонасини? (356)

Шундан сўнг ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни воқеалар ривожини орқали берилади. Достонда кульминацияни аниқлаш бир оз мураккаб. Чунки юқори ҳаяжон шоирнинг ҳар бир ифтихор сўзлари-ю мадҳларида бирдек сезилаверади. Ватанининг барча гўшаларини кезиб хориган чавандоз

кайтиб, “қозиги”ни топиши ва эл-юрт хизматида бўлиш бахтига муяссарлик ҳамда ифтихор туйғуси шеърнинг ечими, ниҳоясини ифодалайди.

Булбул гулга айтгандай оҳу зорин,
Мен сўйладим юртимга дилда борин (450).

99-сонетда шоир ўзининг 100 сонетли достон яратиш машаққати ва бу жараёни босиб ўтганидан мамнун эканлиги хусусида фикр юритган.

Роҳатбахш бу азият.
Ўн тўрт юртни қондош айлаб, сен-ла суҳан,
Яратдим бир мамлакат (452).

100-сонетда эса шоир ўзи яратган достон Ўзбекистоннинг шаклу шамойили эканлигини таъкидлайди ва:

Бу мамлакат – ушбу достон.
Мен кашф этган Ўзбекистон, (453)

дея яқунлайди. Достон кўплаб мазмундор мисралардан холи эмас. Уни ифтихордан барпо бўлган буюк ва қудратли мамлакат мадҳи деб аташ мумкин.

Достонлар поэтикаси хусусида сўз кетганда, аввало, “Мен кашф этган Ўзбекистон”нинг тузилишига диққат қаратиш мақсадга мувофиқ. Достон юзта сонетдан таркиб топган. Лекин ҳажмдаги салмоқ маънонинг саёзлашувига сабаб бўлган ўринлар анчагина. Достонда турокланиш тартибида ҳам изчиллик сезилмайди. Яъни, айрим сонетлар $4+5=9$, айримлари $4+4=8$, $4+3=7$, баъзилари $4+4+3=11$, $4+4+5=13$, $4+3=7$ каби қўшма вазнлар аралашмасидан таркиб топган. Айрим ўринларда $3+3+4=10$, $3+3+5=11$, $4+4+4+3=15$, $4+4+4=12$ тартибидаги сонет ҳам мавжуд. Достон умумий мазмунига кўра, Ўзбекистон учун қасида ҳисобланади. Лекин кўп мисралар сийкаси чиккан маддоҳлик ва курук риторикадан, аниқроғи, дифирамблардан иборат бўлиб қолган. Бу ҳолат достон поэтикасига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Хусусан, 41-сонетда:

Ўзбекистон серкуёш мамлакатдур,
Далалари – тўкин-сочин дастурхон.
Бахти қулган мангулик салтанатдур,
Юрагида ёли бор бир паҳлавон. (Б.Бойқобилов. Ўзбекнома. 444-бет)

Кўп маротаба айтилган сийқа ташбеҳларнинг қўлланилиши достон савиясига жиддий таъсир кўрсатган. Сонетнинг кейинги қисмларида юртнинг баҳорда зийнатланган табиати, фирдавсмонанд боғлари, дардга даво ўсимлиги, об-ҳавоси, Хуросон ўлкаси гўзаллигига шайдолик хусусидаги анъанавий мадҳлар давом эттирилади.

Доимий мақтовлар такрори яна бир қайта берилади. Курук маддоҳликнинг нафақат достон бадииятига, балки, умуман, сонет поэтикасига таъсири анчагина сезиларли. Хусусан, композицион қурилишдаги муаммо, кўтарилиши, ечим, хулоса қисмининг мазмунда мадҳлараро йўқ бўлиб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Чунки юқоридаги сонетда баландпарвоз гаплар ичида муаммо ёки унинг ечими хусусидаги фикрнинг ўзи ноўриндай. Шунингдек, асосан, мақтовлардан иборат ташбеҳлар ва муболағалардан аниқ бир мазмунни илғаш ҳам мушкул. Кечинманинг эврилишлари бўлмаган ўринда сюжетнинг мавжудлиги масаласи ҳам даргумон. Бунга мисолни “Мен кашф этган Ўзбекистон” достонининг бошқа сонетлардаги дифирамблардан топиш мумкин. Масалан, 26-сонетда:

Қаламим меъмор айлаб бир иморат яратдим,
Ва Ургут чиноридан қўйдим унга тўрт устун.
Биллур деразаларин кун чиқишга қаратдим,
Тонг билан кўрса офтоб, қилсин дедим мени афсун (439).

Ёки лирик қаҳрамоннинг ватанпарварлик ҳислари етти, ўн ва ўн иккинчи сонетларда деярли бир хил мазмунда берилган. Ёки она ва бешик ҳақидаги поэтик мушоҳадаларни 1-, 2- ва 3-сонетларда кўриш мумкин.

Ўзбек халкин олтин бешиги
Қуёш билан эрур баробар.
Бешик узра бир онаизор,
Тилларида – ҳаёт қўшиғи.

Биринчи сонетдан еттинчи сонетгача достоннинг ўзига хос муқаддимаси ҳисобланади. Унда шоир достоннавислик анъанасига кўра унинг ёзилиши сабаби ва олдинга қўйилган мақсад ҳақида фикр билдиради:

Колумб бўлиб, янги бир китъа –
Кашф этмадим халқимга, лекин,
Унинг олтин бешигин бугун,
Тўрт фаслда солдим сонетга.
Гулдастадир ўн тўрт чамандан! (431)

Шоирнинг асосий камчилиги ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракати орзу-нияти, ўй-кечинмаларини ва Ватан ҳақидаги ҳар қандай маълумотни, ҳар қандай ижтимоий воқеаликни қаламга олаверади. Шоир ўзи айтганидек, тўрт фаслдан иборат ватанпарвар лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини ва оддий ҳаётини воқеалик мадҳини бера бошлайди. 1-фасл бошдан охир Ватан мадҳи, унинг бепоён ва жаннатмаконлиги тавсифига бағишланади. Ушбу фасл 8-сонетдан 28-сонетгача давом этади. 29-сонетдан 2-фасл бошланади. Бунда лирик қаҳрамон 1-фасл ниҳоясида чопқир отда улоқни қўлга киритиб майдонга кирган эди. Ўша чавандознинг сафари 2-фаслнинг мазмунига сингдирилади. Яна майда тафсилотлар билан ўртоқлашилади:

Хуржунимнинг икки кўзи тўладир,
Бирида кўзаю, бирисида нон.
(Сафарда нону сув керак бўладур).
Дала-туз сен учун сахий дастурхон.
Дарё – сув, соз ўтлоқ – неъмат берадир,
Бор бўлсак, тунашга топурумиз макон (440).

Самарқанд воҳасидан ўтган лирик қаҳрамон Фарҳод ГЭСи, Фарғона канали каби йирик иншоотлар барпо бўлиши жараёнини тавсифлайди ва 53-сонетда яна мадҳлар силсиласи билан 2-фасл якунланади:

Уйларга нур берди сўнмас чирокдан.
Нурдай муқаддас деб нон ила тузни,
Кўшига кўрк берди олтин бошқондан (448).

Достоннинг учинчи фасли 54-сонетдан бошланади. Бунда Ўзбекистон водийларидаги хирмон етиштирилиши жараёни хусусида сўз боради. Пахтанинг мадҳи эса 55, 56, 57, 58, 59, 60-сонетларда берилган. Хатто. Мирзачўлни ўзлаштиришнинг асл сабаби пахта етиштириш учун ер зарурати эканлиги ҳам айтиб ўтилади. 60-63-сонетлар Мирзачўл мадҳига бағишланган, сўнгра Қарши дашти, Шеробод, Сурхон воҳаси, чўли Малик хусусида сўз бориб, 66-сонетдан бошлаб 69-сонетгача яна пахта мадҳи давом этади.

Пахтажон! Чаноғинг қилиб фаввора,
Сенга ҳайкал қўйдик бу олам аро (454).

Достоннинг 4-фасли 70-сонетдан бошланади. Бунда она тупроқ ва ота макон ҳақида сўз боради. Унда аждодлар умрининг муносиб давомчилари ҳақида сўзланади. 74-сонетдан бошлаб истиқлол мадҳи берилади. Кейинги сонетларда давлат рамзлари, пойтахт шаҳар Тошкент, Ватандаги турфа бойликлар, йўллар, қадриятлар хусусида сўз боради. Ўзбекистоннинг она диёр эканлиги яна бир бор таъкидланади.

Ўзбекистон – кутлуг бир диёр,
Унда менинг ўз масканим бор (461).

Ушбу жумлалардан сўнг шоир ўзи яшаётган уй ҳақида сўзлайди:

Тоғ билан рўбарў менинг дарвозам,
Боғ кўчам бош қўйган унинг пойига.
Жанубга караган нақшин дарвозам,
Остонаси туташ Ургут сойига (461).

Ушбу ҳолат шоирнинг шахсий ҳаёти лавҳаларидан иборат сонетлар кетма-кетлигида давом этади. Айрим ўринларда ўзини ташбеҳлаш ҳолати ҳам сезилади:

Мен қайнар булоқман, қирғоқларимдан,
Бир лаҳза узилмай дўсту қадрдон.
Жавоҳир теради юракларимдан (462).

96-сонетда нокамтарликнинг ғаройиб кўриниши кўзга ташланади.

Агарда тилимдан ёғмаса гавҳар,
Болам деб қошимда қилмагин қуллук (463).

Қайси она фарзанди қошида қуллук қилиши мумкин, деган саволга ҳарчанд жавоб топиш мушкул. 96-сонетдан бошлаб хотима вазифасини ўтовчи “Мурод” бўлими бошланади. Бунда шоир

Ватанни ҳамма жиҳатлари билан мадҳ эта билгани хусусида сўзлайди. 100-сонетда шоир ўзи курган мамлакат мадҳи ва 4 вилоят ва 100 иморатдан иборат эканлиги хусусида сўзлайди.

Шу билан сонетлар якун топади. Лекин ҳамма сонетларни ҳам жанр талабларига жавоб беради дейиш мушкул. Чунки ҳар қандай дифирамб ҳам сонет бўлавермайди. Шоир моҳиятан севги изҳори сифатида дунёга келган ушбу жанрдан Ватанга изҳори дилда фойдаланмокчи бўлган, лекин сийқа жумлалар ва аниқ поэтик мушоҳада юритилмаган ўринлар туфайли достоннинг аксар сонетлари дифирамблардан иборат бўлиб қолган. Ҳатто, ёзувчи достонни кимга кўрсатгани-ю, у кишининг бу борадаги фикрлари ҳақида маснавий усулда ахборот беради:

Аллома Миртемир ўқиб достонни,
Озод кўрган эди Ўзбекистонни
“...Сонетда Ўзбек ҳеч достон тузмаган,
Оврупо боғидан гуллар узмаган...” (465)

Хуллас, достон ўзбек сонетнавислигидаги илк қадам бўлиб, моҳият жиҳатдан етук бўлмаса-да, бадиий жиҳатдан ўзига хос пишиқ сатрлар ҳам йўқ эмаслигини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, достонда ўзига хос ташбеҳлар силсиласи мавжуд. “Тонгдай порлоқ”, “толеъ офтоби”, “зар шоир”, “бебаҳо андух”, “инжудай ашъор”, “биллур дераза”, “ёвкур бургут” ва юзлаб ташбеҳлар достон поэтикасида ўзига хос ўрин эгаллайди. Достонда метафораларнинг ҳам ўзига хос кўринишлари мавжуд. Масалан, “олтин меҳроб”, “қалбдаги қуёш”, “мангулик салтанати”, “муҳаббат маскани” истиоралари Ватан тушунчаси ўрнида қўлланилган. Бадиий санъатлардан ҳам ўринли фойдаланилган ўринлар анчагина. 49-сонетда лаф ва нашрга мисол учрайди:

Бугун шу дарёдан жон олур ҳаёт,
Сув ва нур – бу элда кўз ила қароғ (447).

Синекдоха – кўчим турига ҳам яхшигина намуна ва ташхисга мисолни учратиш мумкин:
Қўшқулоқ гўзани силаганда қўл,
Балки шодлигидан ер қалқигандир (449).

Ибораларнинг турли кўринишлари ҳам қўлланган ўринлар анчагина.
Бағри кенглигидан қўли ҳам баланд,
Самодан излайди ўз юлдузини (460).

“Ижодкор қалбидаги дард (эхтирос)нинг самимийлиги ёки носамимийлиги асарнинг бадиийлик даражасини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади” (Саримсоқов, 2004).

Шуни таъкидлаш зарурки, Б.Бойқобилов қалбида эхтирослар силсиласи Ватанга нисбатан самимий. Шу жиҳатдан ҳам, достонни илк тажриба сифатида эътироф этиш мумкин.

Хуллас, ўзбек адабиётида сонет-достон яратилишига илк маротаба қўл урган ижодкор Б.Бойқобилов бўлиб, шоир ўзи таъкидлаганидек, бу шаклда-эпик асар яратиш ниҳоятда мураккаб ҳолат эканлигига қарамай, ушбу ишнинг уддасидан чиқа олди. Айнан ўзбек адабиётида сонет-достонларнинг ўрни ўзгача. Уларнинг илк маротаба яратилганлиги ва ушбу анъана сонет туркумлари сифатидагина давом эттирилганлиги сонет-достон спецификасидаги камчиликларнинг кечиримли эканлигини асослайди. Сонет-достон поэтикасидаги образлилик ва бадиийлик жиҳатларидаги ўзига хослик ўзбек адабиётида ушбу жанр мавжуд эканлигидан далолат. Яъни, сонетлар тизимидан иборат достон тажрибаси муваффақиятли амалга оширилган.

Хулоса

Сонетда поэтик тасвир ва талқин имкониятларидан фойдаланиш ҳамда сонет-достон яратиш тажрибаси масалалари юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Лиро-эпик усулда сонет-достон яратилиши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, ўзбек шериатида Б.Бойқобилов яратган достон ўзига хос новаторлик намунаси ҳисобланади.

- Лирик кечинма табиатига асосланган Б.Бойқобиловнинг сонет-достонлари ҳажман анча салмоқли, лекин уларнинг савияси ҳақида ўта ижобий фикр билдириш ноўрин. Сонет-достонларда лирик характерлар мавжуд, ривоявийлик ва эпиклик каби достонлар учун зарур хусусиятлар шакллантирилган. “Самарқанд ушшоғи” достонида сюжетнинг ва муқаддима, хотима каби қўшимча унсурларнинг қўлланилганлиги достонда эпиклик хусусияти мавжудлигини далолатлайди. “Самарқанд ушшоғи”да конфликтнинг рухий коллизияга асосланган тури қўлланилган. Бу достонда сюжетлилик билан бир қаторда эмоционаллик хусусиятлари мужассамлашганини кўрсатади.

- Б.Бойқобиловнинг “Мен кашф этган Ўзбекистон” сонет-достонидаги аксар мисралар қуруқ риторика ва маддоҳликдан иборат бўлиб қолган, яъни дифирамблардан қурилган. Бу ҳолат достон

поэтикасига салбий таъсир кўрсатган. Достонни ватанпарвар лирик қахрамон кечинмалари ва оддий ҳаётини воқелик мадҳи қамраб олган.

Сонет-достон поэтикасидаги образлилик ва бадийлик жиҳатларидаги ўзига хослик ўзбек адабиётида ушбу жанр мавжуд эканлигини далиллайди.

Адабиётлар рўйхати:

Гафуров И. Шоирона изланишлар. Изчиллик (Б.Бойқобиловнинг «Сонетлар» китобига сўзбоши). – Т., 1982. – Б.9.

Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.241.

Жамоа. Адабиёт назарияси. 2 томлик, 2-том, – Т.: Фан, 1979. – Б.272.

Бойқобилов Б. Ўзбекнома. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.444 (Бундан кейинги иқтибослар ушбу адабиётдан келтирилганлиги сабабли саҳифаси қавс ичида берилади).

Саримсоқов Б.И. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004. – Б.100.

Аннотация

СОНЕТЛАР ТИЗИМИДАН ИБОРАТ ДОСТОН ТАЖРИБАСИ

О.Х.Файзуллаева, Х.Тожиев

Ушбу мақолада Б.Бойқобиловнинг “Самарқанд ушшоғи” ва “Мен кашф этган Ўзбекистон” сонет-достонлари ўрганилган. Лиро-эпик усулда сонет-достон яратилиши ниҳоятда мураккаб жараён эканлиги, ўзбек шериатида Б.Бойқобилов яратган достонлар ўзига хос новаторлик намунаси ҳисобланиши тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: лиро-эпик усул, сонет-достон, ўзбек шериати, бадий асар, кўнгил олами, риторика ва маддоҳлик, дифирамб, образлилик ва бадийлик.

Аннотация

ОПЫТ ПОЭМЫ СОСТОЯЩИЙ ИЗ СИСТЕМЫ СОНЕТОВ

О.Х.Файзуллаева, Х.Тожиев

В этой статье изучена сонет-поэма “Самарканд ушшоғи” (“Голос Самарканда”) и “Мен кашф этган Ўзбекистон” («Узбекистан в моём воображении») Б.Байкабилова. Это очень сложный процесс создания эпического музыкально-эпического стиля, изучается особенность стихотворения, созданного Б.Бойқобиловым в узбекской поэзии

Ключевые слова: лиро-эпический метод, сонет-поэма, узбекская поэзия, мир души, риторика и апологеты, дифирамб, образность и художественность.

Summary

DOUSTON TRAVEL FROM THE SYSTEM OF SONETTS

O.X.Fayzullayeva, X.Tojiyev

This article examines the poems of B.Boykobilov "The Samarkand grip" and "The One I Discover Uzbekistan". It is a very complicated process of creation of epic music-epic style, it is studied the peculiarity of the poem created by B.Boykobilov in Uzbek poetry.

Key words: liro-epic method, sonet-doston, Uzbek companion, artistic, virtual world, rhetoric and feminism, diversity, imagery and art.